



ПОСТАНОВЛЕНИЕ

хокима
города Ферганы

QARORI

2017 yil. " 5 " sentabr № 138L

Farg'ona shahri

Шахарда маиший чиқиндиларни саклаш,
ташиб кетиш фаолиятини тартибга солиш
хақида

Ўзбекистон Республикаси "Чиқиндилар тўғрисида"ги Қонунига (Ўзбекистон Республикаси Олий Мажлисининг Ахборотномаси 2002 йил 4-5-сон 72-модда) ҳамда Ўзбекистон Республикаси Вазирлар Маҳкамасининг 1992 йил 14 августдаги 381-сон "Аҳолига сотиладиган ёқилги, энергия ва кўрсатиладиган хизматлар чакана нархлари ҳамда тарифларини қайта кўриб чиқиш тўғрисида"ги, 2013 йил 3 декабрдаги 315-сон "Республика аҳоли пунктларида санитария жиҳадан тозалаш тизimini ривожлантириш ва такомиллаштириш чора-тадбирлари тўғрисида"ги (Ўзбекистон Республикаси қонун ҳужжатлари тўплами 2013 йил 49-сон 632-модда) ҳамда 2014 йил 15 июлдаги 194-сонли қарори билан тасдиқланган Қаттиқ ва суюқ маиший чиқиндиларни тўплаш ва олиб чиқиб кетиш хизматлари кўрсатиш қоидалари"га асосан (Ўзбекистон Республикаси қонун ҳужжатлари тўплами, 2014 йил 30-сон 368-модда) шунингдек, Ўзбекистон Республикаси Президентининг 2017 йил 21 апрелдаги ПФ-5024-сон "Экология ва агроф муҳитни муҳофаза қилиш соҳасида давлат бошқарув тизimini такомиллаштириш тўғрисида"ги Фармони (Ўзбекистон Республикаси қонун ҳужжатлари тўплами, 2017 йил 17-сон 287-модда) ҳамда вилоят ҳокимининг 2017 йил 2 октябрдаги 499-сонли қарорини ижросини таъминлаш мақсадида, Ўзбекистон Республикаси "Маҳаллий Давлат ҳокимияти тўғрисида"ги Қонуннинг 6 ва 25-моддаларига асосан,

Қ А Р О Р Қ И Л А М А Н :

1. Вилоят ҳокимининг 2017 йил 2 октябрдаги "Вилоятда маиший чиқиндиларни саклаш, ташиб кетиш фаолиятини тартибга солиш хақида"ги 499-сонли қарори раҳбарлик ва ижро учун қабул қилинсин.
2. Вилоят ҳокимининг мазкур қарори билан вилоят "Тоза ҳудуд" давлат унитар корхонасининг худудларда қаттиқ ва маиший чиқиндиларни тўплаш ҳамда олиб чиқиб кетиш хизматлари тарифлари иловага мувофиқ тасдиқланганлиги маълумот учун қабул қилинсин.
3. Шаҳар "Тоза ҳудуд" ДУК (З.Ўсмонов), шаҳарда қаттиқ ва маиший чиқиндиларни тўплаш ҳамда олиб чиқиб кетиш хизматлари билан шуғулланувчи жамиятлар билан биргаликда:
шаҳардаги мулкчилик шаклидан қатъий назар барча юридик ва жисмоний шахсларга кўрсатиладиган қаттиқ ва маиший чиқиндиларни тўплаш ҳамда олиб

чиқиб кетиш хизматларини кўрсатиш бўйича шартномалар тузиш;
кўрсатиладиган хизматларга белгиланган таарифлар бўйича тўловларни ундириш ва ҳисоб-китоб ишларини олиб бориш;

бир ой муддатда истеъмолчиларга кўрсатиладиган хизматлар сифатини янада яхшилаш мақсадида тўловларнинг "биллинг" тизimini жорий этиш;

қаттиқ маиший чиқиндиларни тўплаш, ташиш ва утилизация қилиш ишларини ўз вақтида ва сифатли амалга ошириш, шартнома тузган юридик ва жисмоний шахсларга кўрсатиладиган хизматларни белгиланган тартибда кўрсатишни ва хизмат ҳақини ундиришни самарали тизimini жорий этиш вазифаси топширилсин.

4. Шундай тартиб ўрнатилсинки, унга мувофиқ жойларда "Тоза ҳудуд" ДУК томонидан қаттиқ маиший чиқиндиларни тўплаш ва ташиб кетиш хизматлари учун ҳисоб-китобларни амалга оширишда худудда фаолият кўрсатётган тадбиркорлик субъектлари юридик ва жисмоний шахслар, паспорт тизими бўйича доимий рўйхагдан ўтган манзилдан қатъий назар яшаётган манзилида оила сонидан келиб чиқиб ҳисобланиши ва тўланиши белгилаб қўйилсин.

5. Шаҳар ҳокимининг ўринбосари Р.Раҳимжонов бир хафта муддатда, худудда қаттиқ ва маиший чиқиндиларни ташиб кетиш, хизмат кўрсатиш бўйича таарифларни белгилаш юзасидан қабул қилинган ҳужжатларини ушбу қарорга мувофиқлаштирилишини таъминласин.

6. Мазкур қарор шаҳар ҳокимлигининг расмий нашрлари "Фарғона тонги" рўзномасида эълон қилинсин ҳамда шаҳар ҳокимлигининг расмий веб-сайтига жойлаштирилсин.

7. Ушбу қарор расмий эълон қилинган кундан эътиборан кучга киритилади.
8. Мазкур қарорнинг ижросини назорат қилиш шаҳар ҳокимининг ўринбосари Р.Раҳимжонов зиммасига юзасирилсин.



Шаҳар ҳокими

Ш.Эрқабоев